

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРЕПБАЕВ ИСЛАМБЕК МУРАТБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АЙРИМ КЎЛЛАРИНИНГ
ОВЛАНАДИГАН ҚУШЛАРИ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Арепбаев Исламбек Муратбаевич

Қорақолпоғистон айрим кўлларида овланадиган кушлари
фаунаси ва экологияси..... 3

Арепбаев Исламбек Муратбаевич

Фауна и экология охотничьих птиц некоторых озёр
Каракалпакстана..... 21

Arepbaev Islambek Muratbaevich

Fauna and ecology of hunting birds of some lakes of Karakalpakstan... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРЕПБАЕВ ИСЛАМБЕК МУРАТБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АЙРИМ КЎЛЛАРИНИНГ
ОВЛАНАДИГАН ҚУШЛАРИ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/В393** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Аметов Якуб Идрисович биология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Холбоев Фахриддин Раҳмонкулович биология фанлари доктори Алламуратов Шадымурат Торемуратович биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Хоразм Маъмуни академияси

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.В.20.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «06» октябрь кuni соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Университет мажлислар зали. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№8-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй, Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2020 йил «22» сентябр кuni тарқатилди.
(2020 йил «22» сентябрдаги 4-рақамли реестр баённомаси)



Г.Асенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси в.в.б., б.ф.д.

А.И. Курбанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий қозғиби, б.ф.н., доцент

И.И. Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раис ўринбосари,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда экологик барқарорликнинг ўзгариши билан биологик хилма-хилликнинг қисқариши мавжуд турларни сақлаб қолиш ва ресурсларидан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Айниқса, аҳоли сонининг ошиши билан овладиган ҳайвонлар, жумладан, қуш турларига бўлган босимнинг ортиши уларнинг табиий ландшафтлардан йўқолиши ҳамда экотизимнинг бузилишига олиб келмоқда. Шунга кўра, ландшафт хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда овладиган қуш турларини инвентаризациялаш, улар яшаш муҳити барқарорлигини таъминлаш ҳамда камёб турлари сонининг камайиб кетишининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда табиий ландшафтлардаги қуш турларининг биологик хилма-хиллигини аниқлаш, уларнинг ландшафт элементларига мослашиш хусусиятларини асослаш ва овчилик соҳасини ижтимоий-экологик тамойиллар асосида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, қуруқлик ва сув-ботқоқ экотизимлари ҳамда уларнинг элементларига қуш турларининг биоэкологик мослашиш хусусиятлари асосланди, овчилик тизими ва туризми йўналишларини ривожлантиришнинг самарадор объекти сифатида локал ҳудудларнинг овладиган қуш турлари инвентаризация қилинди ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди. Таъкидлаш лозимки, экотизимларнинг турли омиллар ўзгарувчанлигига таъсирчан элементи сифатида сув-ботқоқ ландшафтларини киритиш мумкин. Сўнгги йилларда арид минтақаларида гидрологик режимнинг бузилиши, сув-ботқоқ орнитофаунаси ҳолатининг трансформацияси, янги қуш турларининг кириб келиши ва улар мослашувчанлигининг ортиши, экологик-этологик мослашувчанлиги паст қуш турлари сонининг ҳамда камёб қуш турлари популяцияларининг қисқариши асосида юз бераётганлигини алоҳида қайд этиш даркор. Бу ҳолат, муайян ҳудудларда овладиган сув-ботқоқ қушлари тур сонининг ҳам ўзгариши ва овчилик хўжаликлари фаолиятини илмий асосда бошқариш тизимини бузилишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, трансформациялашган шароитда овладиган сув-ботқоқ қушларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, уларнинг яшаш муҳитларига таъсир этувчи антропоген омиллар ва бошқа хавфларни аниқлаш, сув-ботқоқ қушларини самарадор овлаш тизимини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда қушлар биохилма-хиллигини асраш, уларни муҳофаза қилиш ва кадастрини юртишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, Оролбўйи ҳудудида йўқолиб кетиш хавфи остидаги қуш турларини муҳофазалаш учун Судочье давлат орнитологик буюртмахонаси ташкил этилди, камёб ва “Қизил китоб”га киритилган сув ва қуруқлик қушларини муҳофаза қилишнинг йўллари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида¹ «... глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи халокатининг таъсирларини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Қорақалпоғистон шароитида сув экотизимларида тарқалган овланадиган қушларинининг тур хилма-хиллигини аниқлаш, мослашиш хусусиятларини асослаш, улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги 408-сон «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Овланадиган қушларнинг табиий ва маданий ландшафтларда тарқалиши, тур таркиби, фаунаси, биологияси, экологияси, овланиш ҳажмлари, ов қилиш ва ов хўжалигини юритиш ҳамда овланадиган турлардан барқарор фойдаланишга оид тадқиқотлар хорижлик олимлар С.Vaurie (1959, 1965); Т.Н.Cheng (1976); D.V.Attenborough (1987); Kalci router Н. (1991), Н.Heinzel et al. (1995); А. Gammell (1999), L.Munro (1999), А.Peterson (2002); J.William (2006) ва бошқалар томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатларида ҳам овланадиган қушлар фаунасининг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган (Гаврин, 1972; Гракова, 1973, 2003; Ларин, 1974; Дежкин, 1976, 1983; Мельников, 1992; Горшков, 2006; Чашчухин, 2006; Птицы Средней Азии, 2007; Большаков, 2012; Кузякин, 2017).

Ўзбекистонда овланадиган қушлар биологияси, экологияси ва муҳофазасига доир тадқиқотлар Н.А.Гладков (1933), Х.С.Салихбаев (1950), Г.И.Ишунин, Х.С.Салихбаев (1963, 1984), Д.Ю.Кашкаров (1965), Т.З.Захидов (1971), М.Г.Митропольский, О.В.Митропольский ва В.О.Сударев (2011, 2014), Г.Ф.Гончаров (2015), А.А.Атаходжаев ва В.О.Сударев (2017),

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Я.И.Аметов (2018) ва Р.Рахмонов (2019) томонидан олиб борилган. Бироқ ушбу тадқиқотларнинг аксарият натижалари эскирган бўлиб, Қорақалпоғистон шароитида овладиган қуш турларининг таркибий ўзгариши, миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича батафсил маълумот бера олмайди. Шунга кўра, Қорақалпоғистон кўлларини овладиган қушларнинг яшаш муҳити сифатида тадқиқ этиш, трансформациялашган шароитларда улардаги биоэкологик ўзгаришларни аниқлаш, овладиган қушларни муҳофазалаш йўлларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-02 «Орол денгизининг қуриган тубида экилган саксовулзордаги қушлар биохилма-хиллиги» (2012-2013) ва «Қорақалпоғистоннинг овладиган қушлари ва улардан оқилона фойдаланиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон кўлларида тарқалган овладиган қушлар фаунасининг замонавий ҳолатини аниқлаш, уларнинг биоэкологик хусусиятларини асослаш ҳамда барқарор фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистоннинг айрим кўлларини овладиган қушларнинг яшаш муҳити сифатида тадқиқ этиш;

овладиган қушларнинг замонавий таркиби, айрим кўлларда тарқалиши ва характерли қушлар сонини аниқлаш ҳамда мавсумий динамикасини очиқ бериш;

кўллардаги овладиган характерли қуш турларининг биологияси ва экологиясини аниқлаш;

овладиган қушларнинг паразитофаунасини тадқиқ этиш;

антропоген омилларни аниқлаш ва уларнинг овладиган турларга ҳамда уларнинг яшаш муҳитларига таъсирини асослаш;

Қорақалпоғистоннинг овладиган камёб қуш турларини муҳофаза қилиш ва оммавий турларидан барқарор фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти Қорақалпоғистон кўлларининг овладиган қушлар фаунаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон кўлларининг овладиган қушлар фаунасининг замонавий таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, сони, антропоген омилларнинг таъсири, турларни муҳофаза қилиш ва барқарор фойдаланиш чора-тадбирларини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда орнитологик, паразитологик, экологик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистонда овладиган қушларнинг 48 турдан, шу

жумладан кўлларда 34 турдан таркиб топган замонавий тур хилма-хиллиги аниқланган;

илк бор Қорақалпоғистон кўлларида яшайдиган овланадиган қушларнинг паразитофаунаси аниқланган;

Қорақалпоғистоннинг Судочье кўлида тарқалган овланадиган қушларнинг характерли турларининг сони аниқланган ва уларнинг мавсумий ўзгаришлари асосланган;

Қорақалпоғистон кўлларида тарқалган овланадиган қушларнинг характерли 9 та турининг биоэкологик хусусиятлари очиб берилган;

овланадиган турлар ва уларнинг яшаш муҳитларига таъсир этувчи антропоген омиллар ва хавфлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистоннинг овланадиган қушлари фаунасига кирувчи камёб турларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўрмон фонди ерларида яшовчи овланадиган қушларнинг бош сонини аниқлаш, давлат кадастрини тузиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

овланадиган қушларнинг гельминтлар билан зарарланишини аниқлаш бўйича мавсумий мониторинг ва профилактик чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик, зоологик, экологик, паразитологик методлар ва илмий ёндашувларни қўллаш асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон кўлларида тарқалган овланадиган сув-ботқоқ қушлари фаунаси таркибини аниқланганлиги, овланадиган қушларнинг характерли турлари биоэкологик хусусиятларининг очиб берилганли, сув-батқоқ худудларидаги овланадиган қуш турларнинг сув экотизимлари биохилма-хиллигини сақлашдаги аҳамиятини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув экотизимлари биологик объектларидан оқилона фойдаланиш, овланадиган қушларни муҳофаза қилиш тизимини юритиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини самарадор бошқаришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яшаш муҳитининг ўзгарувчан шароитида Қорақалпоғистон Республикасида овланадиган қушлар фаунаси юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

кўллар тизимида овладиган камёб қуш турларини инвентаризациялаш, уларни салбий экологик омиллар ва браконьерлардан муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қўнғирот ва Муйноқ тумани табиатни муҳофаза қилиш амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2020 йил 12 июндаги 02/18-1227-сон маълумотномаси). Натижада республикада учрайдиган овладиган камёб қушларнинг, шу жумладан оқ пешонали ғоз *Anser albifrons*, дала ғози *Anser fabalis*, ҳайдаркуш *Aythya marila* ва ўртача чераг *Mergus serrator* нинг бош сонини аниқлаш ва уларни йўқолиб кетиш хавфини камайтириш имконини берган;

ўрмон фонди ерларида яшовчи овладиган қушларнинг давлат кадастрини юритиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қўнғирот ва Муйноқ тумани ўрмон хўжалиги амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг 2020 йил 12 июндаги 253-сон маълумотномаси). Натижада ўрмон хўжалиги ҳудудларида ёввойи ғоз *Anser anser*, ёввойи ўрдак *Anas platyrhynchos*, олмабош ўрдак *Netta rufina* ва қашқалдоқларнинг *Fulica atra* мавсумий бош сонини аниқлаш ва популяциялари турғунлигини сақлаб қолиш имконини берган;

ғозсимон қушларнинг гельминтлар билан зарарланишини мониторинглаш ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Муйноқ ва Тахтакўпир тумани ҳудудий бўлимлари амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2020 йил 6 июлдаги 33/04-282-сон маълумотномаси). Натижада кўлларида яшайдиган овладиган ғозсимон қушларнинг трематода, нематода, акантасефалалар ва цестода гельминтлари билан зарарланишини аниқлаш ва зарарланиш хавфини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистонда овланадиган қушларнинг ўрганилиш тарихига шарҳ”** деб номланган биринчи бобида ушбу ҳудудда амалга оширилган тадқиқотлар натижалари, Қорақалпоғистонда қушлар фаунасини ўрганишга катта ҳисса қўшган олим ва тадқиқотчиларнинг ишларига батафсил шарҳлар ва танқидий фикрлар ўз ифодасини топган. Ушбу бобда келтирилган илмий ишлар натижалари амалий жихатдан эскирган ёки фрагментар характерга эга бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасининг сув-ботқоқ ҳудудида тарқалган овланадиган қушлар фаунасининг ҳозирги аҳволини тасвирлаб бера олмаслиги асосланган. Овланадиган қушларнинг тарқалиши, замонавий тур таркиби, сони ва унинг мавсумий ўзгаришлари, бошқа масалалар тўлиқ ўрганилмаган. Жумладан, овланадиган қушлар, паразитологик нуқтаи назардан умуман ўрганилмаган. Бу борада ғозсимонлар туркумига мансуб қушлар паразитларининг тур таркибини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Орнитология ва паразитология соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотларимиз айнан ушбу масалалар ечимига бағишланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қорақалпоғистон Республикаси айрим кўлларининг табиий-географик тавсифи”** деб номланиб, у икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда овланадиган қушларнинг асосий яшаш жойи ҳисобланган сув-ботқоқ ҳудудларига (Судочье кўллар тизими, Жилтирбас кўллар тизими, Машанкўл ва Хўжақўл кўллар мажмуаси, Дауткўл кўли, Жанубий Қорақалпоғистон магистрал коллектори, Ақчакўл кўли) табиий-географик тавсиф берилган.



1-расм. Тадқиқот олиб борилган ҳудудлар:

- 1-Амударёнинг қуйи оқими, 2-Шимоли-ғарбий Қизилкум,
- 3-Орол денгизининг қуриган туби

Бобнинг иккинчи қисми “Тадқиқотнинг материали ва методлари” га бағишланган. Илмий-тадқиқот ишлари 2012-2019 йиллари Амударёнинг куйи оқими, Шимоли-ғарбий Қизилқум ва Орол денгизининг қуриган тубида амалга оширилди (1-расм). Овланадиган қушлар жамоаси ва фаунасини тадқиқ этишда умумқабул қилинган усуллардан фойдаланилди (Новиков, 1953; William, 2006). Тадқиқот олиб борилган қўллар тизимидаги қушлар паразитофаунаси ғозсимонлар Anseriformes туркуми мисолида амалга оширилди. Ёвойи ғозлар ва ўрдақлар ов мавсумида йиғилди ва улар умум қабул қилинган усуллар билан текширилди (К.И.Скрябин, 1928). Уй қушлари: ўрдақ ва ғозлар ушбу усуллар билан ёриб кўрилгандан сўнг паразитологик материаллар йиғилди.

Диссертациянинг учинчи боби “Қорақалпоғистон сув-ботқоқ ҳудудларидаги овланадиган қушларнинг замонавий таркиби, тарқалиши ва сони” га бағишланган бўлиб, икки бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда Қорақалпоғистон сув-ботқоқ ҳудудларидаги овланадиган қушларнинг замонавий таркиби ва тарқалиши ҳақида сўз юритилган. Қорақалпоғистонда овланадиган қушларнинг 8 туркум ва 11 оилага мансуб 48 тури аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал


Қорақалпоғистондаги овланадиган қушларининг таркиби ва келиб-кетиш характери

Туркум	Турлар сони		Ўтроқ		Уя қурувчи		Учиб ўтувчи		Қишловчи	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Podicipediformes	1	2,08			1	5,26	1	2,44		
Pelecaniformes	1	2,08			1	5,26	1	2,44		
Anseriformes	20	41,67			8	42,11	20	48,78	7	63,64
Galliformes	4	8,33	2	33,3	1	5,26	1	2,44	1	9,09
Gruiformes	4	8,33			3	15,79	4	9,75	1	9,09
Charadriiformes	8	16,67			2	10,53	8	19,51		
Columbiformes	8	16,67	3	50	3	15,79	5	12,2	1	9,09
Passeriformes	2	4,17	1	16,7			1	2,44	1	9,09
Жами	48	100	6	12,5	19	39,58	41	85,42	11	22,92

Изоҳ: келиб кетиш характери бўйича гуруҳланган турларнинг умумий сони Қорақалпоғистон қушлар фаунасидаги турлар сонига нисбатан кўп. Сабаби кўпчилик уя қурувчи турларнинг шимолий географик популяциялари учиб ўтувчи ҳам ҳисобланади.

Ушбу жадвалда Қорақалпоғистонда тарқалган овланадиган қушларнинг систематик таркиби ва келиб-кетиш мақоми бўйича маълумотлар акс эттирилган. Унга кўра, учиб ўтувчи қуш турларининг (85.42%) уя қурувчи (39.58%), қишловчи (22.92%) ва ўтроқ (12.5%) қушларга нисбатан анча устунлиги кўзга ташланади. Туркумлар бўйича, куйидаги маълумотлар келтирилган: энг кўп тарқалгани ғозсимонлар - 20 тур ёки 41.67%, ржанкасимонлар ва каптарсимонлар – 8 турдан (16.67% дан), товуксимонлар ва турнасимонлар - 4 турдан (ҳар бири 8.33%),

чумчуксимонлар - 2 тур (4.17%), кўнғирсимонлар ва эшкакоёқлилар – ҳар бири 1 турдан (2,08% дан) мансубдир (2-расм).



2-расм. Қорақалпоғистонда овланадиган қушларнинг туркумлар бўйича сони


Қушлар таркибини мавсумий жиҳатдан таҳлил кўрсатдики, уя қурувчи қушлар фаунаси вакиллари орасида ҳам айнан шу туркумлар устунлик қилади: ғозсимонлар (42,11%), каптарсимонлар ва турнасимонлар (15,79% дан), ржанкасимонлар (10,53%). Қолган туркумлар кўрсаткичи 5,26% атрофида. Учиб ўтувчи қуш турларининг нисбати ҳам шу даражада сақланади: ғозсимонлар (48,78%), ржанкасимонлар (19,51%), каптарсимонлар (12,2%), турнасимонлар (9,75%). Қолган туркумлар кўрсаткичи 2,44% дан тўғри келади. Қишлоқчи турлар орасида ғозсимонлар (63,64%) доминантлик қилади, қолган туркумларнинг ҳар бири 9,09% ни ташкил этади. Ўтроқ қушлар 6 турни ташкил этиб, улар фақат 3 туркум вакилларидан иборат: каптарсимонлар – 3 тур (50%), товуқсимонлар – 2 тур (33,3%) ва чумчуксимонлар 1 турни (16,7%) ташкил этади.

Бобнинг иккинчи бўлимида Қорақалпоғистон сув-ботқоқ ҳудудларида яшайдиган овланадиган қушларнинг сони ва уларнинг мавсумий ўзгаришлари ўз аксини топган. Қорақалпоғистоннинг айрим қўлларида олиб борилган орнитологик кузатишлар бўйича овланадиган қушларнинг сони ва уларнинг мавсумий ўзгаришлари ҳолати тадқиқ қилинган.

2018 йилда Қорақалпоғистоннинг сув-ботқоқ ҳудудлари ва уларнинг атрофида олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида овланадиган қушларнинг 8 туркум ва 11 оилага мансуб бўлган 41 тури қайд этилди. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистондаги барча овланадиган қуш турларининг 85,42% ини (жами 48 тур) ташкил қилади. Уларнинг 31 тури (75.61%) сув ва сув бўйида яшовчи қушлардан иборат.

Йилнинг уч мавсумида жами 55 кун давомида сув-ботқоқ ҳудудлари ва унинг атрофида жами 163540 та индивид қайд қилинган. Уларнинг асосий

қисми, яъни 152756 та индивид куз мавсумида ҳисобга олинган, сабаби шу даврда қушларнинг кузги миграция жараёни юз беради. Қушларнинг энг кам сони кеч баҳорда (5330) ва ёзда (5454) кузатилган, бу пайт қушларнинг баҳорги миграцияси ҳам тугаган даврга тўғри келмоқда (3-расм).



3-расм. Қорақалпоғистон сув-ботқоқ ҳудудлари ва унинг атрофида қайд этилган овладиган қушлар сони (2018 й.)

Овланадиган қушлар сонининг кўллари кесимидаги таҳлилига кўра, улар Судочье кўллари тизимида энг кўпчиликти ташкил қилади. Уч мавсумда 9 кун мобайнида биз бу ерда 70725 та индивидни кузатишга муваффақ бўлдик. Уларнинг асосий қисми кузги учиб ўтиш даврида 68466 та индивид ҳисобга олинди. Овланадиган қушларнинг сони жиҳатидан иккинчи ўринни Жанубий Қорақалпоғистон магистрал коллектори эгаллайди, учинчи ўрин эса Жалтирбас кўллари тизимига тегишли. Қушларнинг сони бўйича энг паст кўрсаткич Ақчакўл кўлида кузатилди. Қушлар сонининг бир-биридан бундай фарқланиши биринчидан, кўллари ўлчами, иккинчидан, қулай шароитлар (озуқа, ҳимоя ва ҳ.к.) ва албатта безовталаниш омиллари билан боғлиқдир.

2014-2018 йиллари давомида Судочье кўллари тизимида уя қурувчи овланадиган қушларнинг 11 турининг сони ва уларнинг мавсумий ўзгаришларини тадқиқ қилинган. Йил давомида (86 та ҳисоб) ва Судочье кўлида турлар орасида сон жиҳатдан энг юқори кўрсаткичга қашқалдоқ (30,83%), олмабош (27,48%), ёввойи ўрдак (14,3%) ва катта қоровой (6,47%) эга бўлган бўлса, энг паст кўрсаткичга сув тарғоқ ва кўк ғоз (ҳар бири 2,16%), суралай ғоз (2,67%), қўнғир ўрдак (3,06%) ва анғирт (3,27%) эга бўлди.

Ҳисобларнинг умумлаштирилган натижаларидан маълум бўлдики, Судочье кўлида овланадиган қушларнинг йиллик ўртача сони баҳор (764,04) ва ёз (35,2) мавсумига солиштирганда куз мавсумида юқори кўрсаткичга эга (1134,3) бўлди (4-расм).



4-расм. Судочье кўлида мавсумлар бўйича овладиган қушларнинг ўртача зичлиги (10 га майдон/индивид)

Бу ҳолат овладиган қушларининг кузги миграция даврида қайтишда катта бўлган полапонларининг колонияга қўшилиши ҳисобидан сонининг ошганлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон кўлларида овладиган ва характерли қуш турларининг биологияси, экологияси ва паразитофаунаси”** деб номланган тўртинчи боби икки бўлимдан иборат.

“Овладиган қушларнинг характерли турларининг биологияси ва экологияси” номли биринчи бўлимда 9 та турнинг биологик ва экологик хусусиятлари очиқ берилган. Жумладан, катта қўнғир, катта қоравой, кўк ғоз, қизил ўрдак, суралай ғоз, ёввойи ўрдак, олмабош, сув товуғи, қашқалдоқ бўйича батафсил маълумотлар олинган. Биз Қорақалпоғистонда кўп сонли учиб ўтувчи, уя қурувчи ва қишлоқчи турлардан бири қашқалдоқ – *Fulica atra* мисолида оригинал маълумотлар келтирамиз.

2018 йилда Қорақалпоғистоннинг айрим кўлларида қашқалдоқнинг сони қўйидагича: Судочье кўлида: 8 май куни 189, 21-25 июль кунлари 148 ва 5-7 октябрь кунлари 34755 та индивид қайд этилди. Жалтирбас кўлида: 12 май куни 145, 11-14 июль кунлари 127 ва 29-30 сентябрь кунлари 15875 та индивид рўйхатга олинди. Машанкўл ва Хўжақўл кўлларида 6-7 май кунлари 348, 15-20 июль кунлари 498 ва 1-4 октябрь кунлари 9865 та индивид саналди. Дауткўл кўлида: 4-5 май куни 38, 26-28 июль кунлари 87 ва 8-9 октябрь кунлари эса 728 та индивид рўйхатга олинди. Жанубий Қорақалпоғистон магистрал коллектори қўйи оқимидаги кўлларда 9-11 май кунлари 243, 6-10 июлда 186 ва 24-28 сентябрь кунлари 16875 та индивид қайд қилинди. Шунингдек, Ақчақўл кўлида 13 майда 29, 1-4 август кунлари 54 ва 10-11 октябрь кунлари 443 та индивид саналди.


Қашқалдоқнинг ўртача зичлиги 10 га майдонга баҳор фаслида 236, ёзда 9.2 ва куз фаслида 350.87 ҳамда йиллик ўртача 198.69 индивидни ташкил

этган. Сўнгги йилларда Оролбўйида уларнинг сони бирмунча кўпайиши кузатилган. Чекловчи омиллар – қурғоқчилик ва браконьерлик.

Судочье кўлида олиб борган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, қашқалдоқлар уяларини кўлнинг саёз ва чекка қисмларига асаосан сув устига қуради. Уя қуриш учун кўпинча қамиш ва қўғанинг новдаси ва барглари, кам ҳолларда эса, сув ости ўсимликлари, хара ва рдестлардан фойдаланади. Уясининг (n=37) диаметри 32.1-41.3 см, лотка диаметри 13.4-18.6, чуқурлиги 5-9 см, уянинг сув устидан баландлиги 13.5-21.7 см (ўртача 17.3 см) ни ташкил этади. Уяга қамиш ва қўғаларнинг япроқлари ёки новдалари, сийрак ҳолларда сув ости ўсимликлари қўшиб тўшаллади.

2014 йилда Судочье кўллар тизимида дастлабки қўйилган тухумлар 28 апрелда, Жилтирбас кўлида эса 1 майда кузатилди. Уяга (n=58) 4-11 дона (ўртача 7,6) оқимтир рангли тухум туғади. Тухумларнинг узунлиги 50.2-57.8, эни 31.4-34.2 мм бўлди (ўртача 53.2x32.9). Янги қўйилган тухум вазни 31.4-40.8 г келади.

Қашқалдоқнинг кўпайиш самарадорлиги 43% ни ташкил этади. Бунда қўйилган тухумларнинг 22,5% ва полапонларнинг 34,5% и соз бўктаргиси, чағалай ва қора қарғалар томонидан нобуд қилинади. Тухумдан чиққан полапон (n=7) танаси вазни 23.4-26.9 г (ўртача 25.1) ни ташкил этади. Дастлабки кунлари полапонларни ота-онаси биргаликда олиб юради. Улар қашқалдоқларнинг асосий душманлари ҳисобланган соз бўктаргиси, чағалай ва қора қарғалардан полапонларини мардонавор ҳимоя қилади. Полапонлари қамишлар яқинида юради, хавф туғилганда қамиш орасига яширинади. Катта бўлган сари улар мустақил озикланишга ўтади ва кўлнинг очиқ майдонига чиқа бошлайди, қамиш орасига фақат тунаш учун келади. Уларнинг тана вазни тез ўсади (5-расм).



5-расм. Судочье кўлида қашқалдоқ полапонларининг тана вазнининг ўзгаришлари

5-расмдан кўриниб турганидек, полапонларнинг вазни даслабки ойларда (июнь, июль) тез ўсади, июль ойи охиридан бошлаб секинлашади. Кузатишимиз бўйича Қорақалпоғистон шароитида полапонлар 2,5 ойда уча бошлайди.

Қашқалдоқлар асосан ўсимликлар билан озиқланади. 4 та қашқалдоқнинг ошқозони текшириб кўрилганда сув ўсимликларидан қамиш, қўға, рдест ҳамда руппия, наяда ва бошқа сув ўтлари топилди. Шу билан бирга, озгина микдорда умиртқасиз ҳайвонлар: икки қанотлилар қуртлари ва гумбаклари, сув кўнғизи, стафилинлар ва пардақанотлилар топилди.

Қашқалдоқ спорт овининг оммавий объекти ҳисобланади. Ўзбекистонда спортчи-очилар ҳар йили ўртача 30 мингта қушни овлашади. Браконьерлик усулида ҳам йилига бир неча минг дона қуш овланади. Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар жамияти Қорақалпоғистон бўлими маълумотларга кўра, 2010-2017 йиллар мобайнида Қорақалпоғистонда 600-1000 дона овлаш учун квота ажратилган. 2018 йилда – 2000 бош, 2019 йилда – 3233 бош овлаш учун квота берилган ва овланган.

Бобнинг иккинчи бўлими сув ва суволди қушларининг гельминтлар фаунасига (ғозсимонлар мисолида) бағишланган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ғозсимон қушларда аниқланган гельминтлар 4: Cestoda Rudolphi, 1808, Trematoda Rudolphi, 1808, Acanthocephala Rudolphi, 1808 ва Nematoda Rudolphi, 1808 синфларига мансуб 59 турдан ташкил топгани аниқланди.

Таксономик нуқтаи назардан, аниқланган гельминтлар фаунаси бўйича олинган натижаларни кўйдагича изоҳлаш мумкин: умумий турлар сонига нисбатан, цестодалар – 19, трематодалар – 22, акантоцефалалар – 3 ва нематодалар 15 турдан иборат. Текширилган ғозсимонлар гельминтлар билан зарарланиш экстенсивлиги 96,6%ни ташкил этиши кузатилди. Ўрдак ва ғозларнинг гельминтлар билан зарарланиши ёз фаслига тўғри келади ва паразитлар фаунасининг алоҳида ҳудудларда ташкил топишини таъминлайди. Аниқланган гельминтларнинг таксономик ва турлар хилма-хиллиги 2-жадвалда ўз ифодасини топган.

2-жадвал

Тадқиқот олиб борилган ҳудудда ғозсимон қушларнинг гельминтлар фаунасининг таксономик таркиби

Синф	Турлар сони	Туркум	Турлар
Cestoda	19	Pseudophyllida	1
		Cyclophyllida	18
Trematoda	22	Echinostomida	8
		Opisthorchiida	1
		Cyclocoeliida	3
		Plagiorchiida	2
		Notocotylida	5
		Schistosomatida	3
		Acanthocephala	3
Gigantirhynchida	1		

Nematoda	15	Trichocephalida	2
		Strongylida	5
		Ascarida	3
		Oxyurida	2
		Spirurida	3

Тадқиқот натижаларига кўра, ғозсимонларнинг гельминтлар фаунаси, Қорақалпоғистон шароитида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Аниқланган 59 турнинг аксарият қисми ҳаёт цикллари сув ҳавзаларида яшовчи умуртқасизлар (моллюскалар, циклоплар, олигохетлар ва бошқ.) билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Улар гельминтларнинг оралик хўжайинлари ҳисобланади (И.Е.Быховская-Павловская, 1962; К.М. Рыжиков ва бошқ., 1973, 1974; Ф.Д. Акрамова, 2011; У.А.Шакарбаев, 2017). Ушбу кўрсаткич ғозсимонлар гельминтлар комплекси учун характерлидир. Умуман, ёввойи ва уй ғозсимон қушлар гельминтларининг тур таркиби, тадқиқот ҳудудларида, нисбатан (М.А.Султанов, 1963), бойлиги билан ажралиб туриши аниқланган (И.М. Арепбаев ва бошқ., 2019; Ф.Д. Акрамова ва бошқ., 2019). Уларнинг қатор турлари ва гуруҳлари юқори патогенлик хусусиятига эга бўлиб, паррандачилик соҳасига катта зарар келтиради.

Юқорида келтирилган маълумотлар ғозсимон қушларнинг гельминтлар билан зарарланиши бўйича доимий мониторинг ишларини олиб бориш ва профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Диссертациянинг бешинчи боби **“Қорақалпоғистон Республикасида овладиган қушлар муҳофазаси ва улардан барқарор фойдаланиш”** га бағишланган. Тадқиқот натижалари асосида бугунги кунда Қорақалпоғистонда сув-ботқоқ қушлари, жумладан, овладиган қушлар яшайдиган энг қулай шароитга эга йирик кўллар қаторига Судочье, Жилтирбас, Сарикамиш, Акпетки, Дауткўл, Машанкўл-Хўжакўл кўллари ва бошқа бир-нечта кўлларни киритиш мумкин.

Орол денгизининг қуришига қарамай, бу кўллар Марказий Осиё минтақаси учун характерли бўлган флора ва фаунани сақлаш ўрни ва генетик ва экологик хилма-хиллигини қўллаб-қувватловчи муҳим ҳудуд ҳисобланади. Шу билан бирга, бу кўллар Ғарбий-Осиё миграция йўли бўйлаб ҳаракатланувчи трансконтинентал мигрант-қушларининг учиб ўтиш йўлида жойлашган. У қушлар учун жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг уя қуриши, дам олиши ва узоқ масофага парвоз қилишдан олдин озикланиши учун хизмат қилади. Лекин бугунги кунда бу кўллар ва бу ердаги овладиган қушлар учун бир қатор хавф-хатар мавжуд.

1. Қурғоқчилик – кўллар учун асосий хавф бўлиб, кўлларнинг тез-тез қуриб кетишига олиб келади. Бу ерда биологик хилма-хилликнинг барча қисмлари сувнинг мавжудлигига тўлиқ боғлиқдир. Сув кам бўлган йиллар (2000-2001 йй., 2007-2008 йй.) Жанубий Оролбўйи кўллари бутунлай қуриб кетди. Ҳозир ҳам бу кўллар сув етишмовчилиги кузатилмоқда. Сув

ҳавзаларида сув сатҳининг беқарорлиги туфайли сув-ботқоқ қушларининг уя қуриш ҳудудлари бузилади, бу эса қушларнинг, жумладан, овланадиган турларнинг сонининг камайишига таъсир қилади. Жилтирбас кўлидаги сув оқимини тўлиқ камайтириш балчиқчилар ва крачкалар колониялари жойлашган ва сувда сузувчи қушлар учун катта озика аҳамиятига эга бўлган Ержанатаудаги яйловларнинг қуришига олиб келиши кузатилмоқда.

2. Ноқонуний ов қилиш ёки браконьерлик - ҳайвонот дунёсига, айниқса, қушлар учун мавжуд бўлган таҳдидлардан биридир. Бу ҳудудлар йилдан йилга сув қушларини овлайдиган ва ўтин учун дарахтларни кесадиған кўпроқ овчиларни жалб қилмоқда. Экспедиция пайтида, мавсумий тақиққа қарамай, Судочье, Жилтирбас кўлларида ўқ овозлари эшитилиб туради.

3. Хавфнинг яна бири – кўлда тақиқланган пластмасса тўрлар билан балиқ овланиши, бу шўнғувчи сув қушларининг, жумладан овланадиган қушлардан қатта кўнғир, қатта қоравой, қашқалдоқ ҳамда ўрдақларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда, шу билан бирга кўлнинг тўрлар билан ифлосланишига олиб келмоқда.

4. Чорва молларини боқиш – саёз сувларда колониал уяловчи қушлар учун (сув тарғоқ, айрим ўрдақлар) жиддий хавф ҳисобланади. Соҳил майдонлари яйлов сифатида фойдаланилади. Баҳорда балиқлар увилдириқларини саёз сувларга сочади, қорамоллар эса уларни босиб нобуд қилади ва саёз сувларда қушларнинг уялаш жараёнини бузилишига олиб келади.

Қорақалпоғистоннинг табиий ҳудудларида овланадиган қушларнинг 48 тури аниқланди. Бу қушлар табиатнинг ажралмас компонентлари сифатида, экотизимдаги жараёнларнинг амалга ошишида роли каттадир. Лекин ўтган аср ўрталаридан кейин Амударё сувининг камайиши ва Орол денгизининг қуриши улар яшаб турган кўлларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Қолаверса улардан ноқилона фойдаланиш овланадиган қушларнинг ҳам аксарият турлари муҳофазага муҳтож бўлиб қолди.

3-жадвал

Қорақалпоғистон овланадиган қуш турлари сонининг ҳозирги ҳолати

Туркум (турлар сони)	Кўп сонли		Оддий		Камёб		Ўта камёб	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	Абс .	%
Podicipediformes (1)	1	100	-	-	-	-	-	-
Pelecaniformes (1)	1	100	-	-	-	-	-	-
Anseriformes (20)	8	40	8	40	2	10	2	10
Galliformes (4)	1	25	-	-	2	50	1	25
Gruiformes (4)	1	25	2	50	1	25	-	-
Charadriiformes (8)	4	50	3	37,5	1	12,5	-	-
Columbiformes (8)	2	25	4	50	2	25	-	-
Passeriformes (2)	2	100	-	-	-	-	-	-
Жами (48)	20	41,67	17	35,42	8	16,66	3	6,25

Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, овланадиган қушларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини муҳофаза қилиш ҳамда улардани оқилона ва

барқарор фойдаланиш, энг асосийси уларни ёввойи ҳолида келажак авлодга етказиш муҳим вазифамиздир.

Аввал йирик систематик гуруҳлар бўйича қушлар сонининг ҳолатини кўриб чиқамиз (3-жадвал). Ушбу жадвалда келтирилган овладиган қушларнинг 37 тури (77,09%) кўп сонли ва оддий турлар қаторига киради. Шундан 20 тури (41,67%) кўп сонли ва 17 тури (35,42%) оддий турларга мансуб. Қолган 11 тури (22,91%) камёб ва ўта камёб турлар қаторига киради. Шундан 8 тури (16,66%) камёб ва 3 тури (6,25%) ўта камёб турлар сирасига мансуб.

Ҳозирги вақтда овладиган қушларнинг ноёб турларини муҳофаза қилиш ва улардан барқарор фойдаланиш энг долзарб масалалардан ҳисобланиб кўллардаги ноёб ва йўқолиб бораётган қуш турлари муҳофазаси учун биз кўйидагиларни зарур деб ҳисоблаймиз:

сувнинг сифати ва минерализациясини яхшилаш;

браконьерлик устидан назоратни кучайтириш;

пластик тўрларни ишлатишни қатъий тақиқлаш ва балиқчилар билан тушунтириш ишлари олиб бориш;

чорва молларини боқиш учун бўш ётган сув босадиган ўтлоқ яйловлардан фойдаланишни тартибга солиш;

овладиган қушларнинг камёб учиб ўтувчи турлари (оқ пешонали ғоз, дала ғози, ҳайдарқуш, ўртача чераг ва ш.к.) учун қулай шароитлар яратиш, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва уларни қатъий муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқчилик қоидалари» 2-иловасида келтирилган овладиган қушлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш;

аҳоли орасида овладиган қушлар биохилма-хиллигини муҳофаза қилиш бўйича тарғибот учун ОАВ, телевидение, радио, маҳаллий нашрлардан фойдаланишни кучайтириш.

ХУЛОСАЛАР

“Қорақалпоғистоннинг айрим кўлларининг овладиган қушлар фаунаси ва экологияси” докторлик (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида кўйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қорақалпоғистонда овладиган қушларнинг замонавий фаунаси 8 туркум ва 11 оилага мансуб 48 турдан иборат.

2. Қорақалпоғистонда учрайдиган овладиган қуш туркумлари ичида энг кенг тарқалгани ғозсимонлар отряди бўлиб, улар 20 тур ёки 41.67% ни ташкил этади. Ржанкасимонлар ва каптарсимонлар – 8 турдан (16.67% дан), товуксимонлар ва турнасимонлар - 4 турдан (хар бири 8.33%) чумчуқсимонлар - 2 тур (4.17%), кўнғирсимонлар ва эшкакёқлилар – хар бири 1 турдан (2,08% дан) иборат.

3. Қорақалпоғистон ландшафтларида келиб-кетиш характери бўйича

овладиган қушларнинг 4 та гуруҳи яшайди. Улар учиб ўтувчи (85.42%), ўтроқ (12.5%), уя қурувчи (39.58%) ва қишлоғчи (22.92%) қушларни ўз ичига олади.

4. Учиб ўтувчи турлар: ғозсимонлар (48,78%), ржанкасимонлар (19,51%), каптарсимонлар (12,2%), турнасимонлар (9,75%). Қолган туркумлар кўрсаткичи 2,44% дан ташкил этиши исботланган. Қишлоғчи турлар орасида ғозсимонлар (63,64%) доминантлик қилади, қолган туркумларнинг ҳар бири 9,09% ни ташкил этади.

5. Ўтроқ қушлар 6 турни ташкил этиб, улар фақат 3 туркумдан иборат: каптарсимонлар – 3 тур (50%), товуксимонлар – 2 тур (33,3%) ва чўмчуксимонлар 1 тур ёки 16,7% ни ташкил этади. Уя қурувчи қушлар гуруҳи 19 турдан иборат бўлиб, умумий фаунанинг 39,58% ини ташкил этади. Улардан, ғозсимонлар (42,11%), каптарсимонлар ва турнасимонлар (15,79% дан), ржанкасимонлар (10,53%). Қолган туркумлар кўрсаткичи 5,26% ни ташкил этади.

6. Қорақалпоғистоннинг сув-ботқоқ ҳудудларида овладиган қушларнинг 5 туркум ва 7 оилага мансуб 34 тури яшаши исботланди. Унга кўра, учиб ўтувчи қуш турларининг (34 тур ёки 100%) уя қурувчи (44.12%) ва қишлоғчи (23.53%) қушларга нисбатан тўлиқ устунлиги аниқланган. Туркумлар орасида энг кенг тарқалгани ғозсимонлар - 20 тур ёки 58.82%, ржанкасимонлар – 8 тур (23.53%), турнасимонлар - 4 тур (11.77%), кўнғирсимонлар ва эшқакоёқлилар – ҳар бири 1 турдан (2,94% дан) иборат.

7. Қушлар таркибида мавсумий жиҳатдан, уя қурувчи қушлар фаунаси вакиллари орасида ғозсимонлар (53,33%), турнасимонлар (20%) ва ржанкасимонлар (13,33%) устунлик қилади.

8. Учиб ўтувчи қуш турлари орасида ғозсимонлар (58,82%), ржанкасимонлар (23,53%), турнасимонлар (11,77%) кўп учрайди. Қишлоғчи турлар 8 турдан (23.53%) иборат бўлиб, улар орасида ғозсимонлар 7 тур ёки 87,5% ва турнасимонлар 1 тур ёки 12,5% ни ташкил этади.

9. Йил давомида Судочье кўлида овладиган қушларнинг ўртача зичлиги 10 га майдонда 644,51 тага тенг ва мавсумлар бўйича бу кўрсаткич баҳорда – 764,04, ёзда – 35,2 ва кузда 1134,3 каби тақсимланади.

10. Судочье кўлида турлар орасида сон жиҳатдан энг юқори кўрсаткич қашқалдоқ (30,83%), олмабош (27,48%), ёввойи ўрдак (14,3%) ва катта қоравой (6,47%), энг паст кўрсаткич сув тарғоқ ва кўк ғоз (ҳар бири 2,16%), суралай ғоз (2,67%), кўнғир ўрдак (3,06%) ва анғирт (3,27%) ларга тўғри келади.

11. Қорақалпоғистонда овладиган ғозсимонлар туркумига мансуб қушларнинг паразитофаунаси 4 синф, 15 туркум, 17 оила, 44 авлодга тегишли 59 турдан иборат ва ғозсимон қушларнинг гельминтлар билан зарарланиш экстенсивлиги 96,6% ни ташкил этиши кузатилади.

12. Қорақалпоғистонда овладиган қушлар учун асосий хавф-хатарлар аниқланди, камёб турларини сақлаш, улардан оқилона ва барқарор фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АРЕПБАЕВ ИСЛАМБЕК МУРАТБАЕВИЧ

**ФАУНА И ЭКОЛОГИЯ ОХОТНИЧЬИХ ПТИЦ НЕКОТОРЫХ
ОЗЕР КАРАКАЛПАКСТАНА**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD/В393.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.karsu.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Аметов Якуб Идрисович доктор биологических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Хелбоев Фахриддин Рахмонкулович доктор биологических наук Алламуратов Шадымурат Торемуратович кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	Хорезмская академия Маъмуна

Защита диссертации состоится «06» октября 2020 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.В.20.04 при Каракалпакском государственном университете. (Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Зал заседаний Каракалпакского государственного университета. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: karsu_info@edu.uz).

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрировано за №8). Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Тел.: (+99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «22» сентября 2020 года.

(реестр протокола рассылки №4 от «22» сентября 2020 года



Г.Асенов
В.и.о. Председателя Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.б.н.

А.И. Курбанова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.б.н., доцент

И.И. Абдуллаев
Заместитель Председателя Научного
семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сокращение биологического разнообразия в связи с изменением экологической устойчивости в мире диктует необходимость сохранения существующих видов и рационального пользования ресурсами. Особенно, увеличение давления на охотничьи виды животных, в том числе и птиц, в связи с ростом численности населения приводит к исчезновению их из естественных ландшафтов и нарушению экосистемы. Поэтому важное значение приобретает инвентаризация охотничьих видов птиц исходя из ландшафтных особенностей, обеспечение устойчивости их среды обитания и разработка мер по предупреждению сокращения численности редких видов.

В мире большое внимание уделяется определению биологического разнообразия видов птиц на природных ландшафтах, обоснованию особенностей их адаптации к элементам ландшафтов и развитию охотничьего хозяйства на основе социально-экологических принципов. В данном направлении, в частности, обоснованы особенности биоэкологической адаптации видов птиц к водно-болотным и экосистемам суши, осуществлена инвентаризация видов охотничьих птиц локальных территорий в качестве эффективного объекта развития охотничьей системы и направлений туризма, и разработаны пути рационального пользования ими. Следует отметить, что водно-болотных ландшафтов можно отнести к числу элементов, чувствительных к изменчивости различных факторов экосистем. Необходимо отметить, что в последние годы нарушение гидрологического режима на аридных регионах, трансформация состояния водно-болотной орнитофауны, проникновение новых видов птиц и повышение их приспособляемости происходит на основе сокращения численности видов птиц с низким уровнем эколого-этологической адаптации и популяций редких видов птиц. Данное положение дел становится причиной изменения численности видов охотничьих водно-болотных птиц на конкретных территориях и нарушению системы научного управления деятельностью охотничьих хозяйств. В связи с этим, важное значение приобретает оценка современного состояния охотничьих водно-болотных птиц в трансформированных условиях, определение антропогенных факторов и других угроз, оказывающих влияние на их среду обитания, разработка системы эффективной охоты на водно-болотных птиц.

В республике особое внимание уделяется сохранению биоразнообразия птиц, их охране и ведению кадастра. В этом направлении, в частности, для охраны видов птиц, находящихся под угрозой исчезновения на Приаральской территории организован государственный орнитологический заказник Судочье, разработаны пути охраны редких и занесенных в «Красную книгу» птиц, обитающих на воде и суше. В Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² определена задача «принятие системных

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

мер по смягчению негативного воздействия глобального изменения климата и высыхания Аральского моря ...». Исходя из этих задач важное значение приобретает, в частности, определение видового разнообразия охотничьих птиц, распространенных в водных экосистемах в условиях Каракалпакстана, обоснование особенностей их адаптации, разработка мер по рациональному их использованию.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан 408 от 19 сентября 2016 года Закон Республики Узбекистан «Об охране и использовании животного мира», Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №914 от 7 ноября 2018 года «О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира», а также в другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования в области распространения охотничьих птиц в природных и культурных ландшафтах, их видового состава, фауны, биологии, экологии, объемов охоты, управления охотой и охотничьим хозяйством, также рационального использования промысловых видов проводили зарубежные ученые С.Vaurie (1959, 1965); Т.Н.Cheng (1976); D.V.Attenborough (1987); Kalci router Н. (1991), Н.Heinzel et al. (1995); А. Gammell (1999), L.Munro (1999), А.Peterson (2002); J.William (2006) и др.

В странах СНГ также проводились масштабные исследования, посвященные теоретическим и практическим проблемам фауны охотничьих птиц (Гаврин, 1972; Гракова, 1973, 2003; Ларин, 1974; Дежкин, 1976, 1983; Мельников, 1992; Горшков, 2006; Чашчухин, 2006; Птицы Средней Азии, 2007; Большаков, 2012; Кузякин, 2017).

